

ТАСДИҚЛАЙМАН

Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлиги

Бош директори ўринбосари

К. Мансуров

“16” июнь 2015 й.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида ўтказилган йиғилиш-семинар Баёни

2015 йил 16 июнь

№ 1

Тошкент ш.

Раислик қилувчи - К.Т. Мансуров - Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори ўринбосари, Агентлик ва унинг тизимида коррупцияга қарши амалий ҳаракатларни олиб бориш бўйича комиссия раиси

Котиб - И.У. Назаров - Кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш бўлими бошлиғи

Таклиф этилганлар - М. Хақимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъул ходими, олий ўқув курслари катта ўқитувчиси

Қатнашганлар - Агентлик марказий аппарати бўлинмалари раҳбарлари, тизимдаги корхона ва ташкилотлар директорлари, директор ўринбосарлари, бош муҳаррирлар, ҳуқуқшунослар, бош ҳисобчилар, бош муҳандислар, ишлаб чиқариш бўлимлари бошлиқлари, кадрлар бўлимлари бошлиқлари, маркетинг бўлимлари бошлиқлари, хўжалик бўлими мудирлари, “Гулхан”, “Ғунча” журналлари, “Тонг юлдузи”, “Класс” газеталари бош муҳаррирлари, жами 62 киши

Кун тартиби: **Коррупцияга қарши кураш тадбирларини сифатли амалга оширишда давлат органлари масъулиятини кучайтиришнинг долзарб масалалари**

Эшитилди:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директорининг ўринбосари, Агентлик ва унинг тизимида коррупцияга қарши амалий ҳаракатларни олиб бориш бўйича комиссия раиси К.Т. Мансуров сўз олиб, йиғилишнинг мақсади Ҳукумат томонидан коррупцияга қарши олиб борилаётган амалий ҳаракатларга бағишланганлигини маълум қилди. У кириш сўзида қуйидагиларни айтди:

Маълумки, Ҳукумат томонидан 2015 йилнинг 18 майида 12-19-7-сонли “Коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириш борасидаги ҳаракатларнинг 2015 йил учун Комплекс режаси” тасдиқланган бўлиб, унда давлат сиёсатини амалга ошириш борасида қатор чоралар белгиланган.

Ҳукуматнинг мазкур топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида муайян ташкилий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан:

- Агентлик ва унинг тизимида коррупцияга қарши амалий ҳаракатларни олиб бориш бўйича таркибий комиссия тузилди ва ҳозирда мазкур комиссия иш режасини тузиш, тасдиқлаш ва ижрога қаратиш масалалари яқин кунларда ҳал этилади;

- “Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг коррупцияга қарши амалий ҳаракатлари дастури” тасдиқланиб, унинг 1-иловасига мувофиқ “Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги давлат хизматчиларининг этика ва хизмат ахлоқи қоидалари” қабул қилинган. Ҳукумат “Комплекс режаси”нинг 7-банди ҳамда Агентлик Дастурининг 4-бандига мувофиқ Агентлик ва унинг тизимидаги қорхоналар раҳбар ходимлари ва хизматчилари учун коррупцияга ва бошқа қонунга хилоф ҳолатларга қарши қаратилган мавзуларга оид профилактика-тушунтириш тадбирлар, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилиш режалаштирилган.

Мазкур йўналишдаги семинар-йиғилишни ўтказишда амалий ёрдам берилишини сўраб Агентлик Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат қилди.

Бугунги семинар-йиғилишга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъул ходими, олий ўқув курслари катта ўқитувчиси Ҳакимов Маъруф Хондамирович ташриф буюрган.

М.Х. Ҳакимов “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида” маъруза қилди. У ўз сўзида коррупцияга қарши курашишнинг норматив ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви, коррупция учун жавобгарликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда қонунийликни таъминлаш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишининг ҳуқуқий кафолатларини яратиш юзасидан бир қатор ишларнинг амалга оширилганлиги, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масаласида ҳам эътиборга молик институционал ўзгаришлар ҳаётга татбиқ этилганлиги, коррупцияга қарши курашиш механизмларини янада такомиллаштириш ва бу йўналишдаги комплекс чора-тадбирларни мувофиқлаштириш, уларни ижросини назорат ва мониторинг қилиш мақсадида прокуратура органларида муҳим ўзгаришлар амалга оширилганлиги, давлат муассасалари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилганлиги, ахборот олиш ҳуқуқи борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш борасида ҳам сезиларли ютуқларга эришилганлиги, фаолиятнинг очиклиги тўғрисидаги талаблар давлат органларидан ташқари, давлат компаниялари ва бошқа компанияларга ҳам қўйилганлиги, маълумотларни ошкор этилишини назарда тутувчи мажбурий талабларни қабул қилиш орқали давлат ҳаражатларини шаффофлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишнинг давом эттирилганлиги, тадбиркорлик соҳасида маъмурий тўсиқларни камайтириш, руҳсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилаётганлиги тўғрисида гапирди.

У асосий эътиборни “Коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириш борасидаги ҳаракатларнинг 2015 йил учун комплекс режаси”нинг мазмун ва моҳиятига қаратди. Жумладан у қуйидагиларни айтди:

Режа амалга ошириш учун мажбурий ҳисобланган комплекс ҳужжат бўлиб, коррупциянинг олдини олишга қаратилган 18 та асосий тадбирни, уларни амалга ошириш механизмлари ва кутилаётган натижаларни, аниқ ижро муддатларини ва масъул ижрочиларни, коррупцияга қарши кураш борасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-амалий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тадбирларни ўз ичига олишини, коррупцияга қарши кураш борасидаги фаолиятнинг

ташкилий-амалий ва норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга кўмаклашиш масалалари бўйича идоралараро ишчи гуруҳ тузиш кераклиги ва мазкур гуруҳнинг асосий вазифалари сифатида коррупцияга қарши кураш чораларининг амалга оширилиши устидан мониторинг олиб бориш, ҳуқуқий-тарғиботни амалга ошириш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро алоқа қилиш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятнинг ташкилий-амалий ва норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш, белгиланлигини, давлат органлари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича муассасаларда ўқув фанларидан дарс беришда коррупцияга қарши кураш мавзусини кучайтириш зарурлиги, сабаби махсус ўқув фанларини жорий этиш давлат органларининг коррупцияга қарши кураш чораларини амалга ошириш учун масъул ходимларига бундай курашнинг янги усулларини ўргатиш, уларни илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижалари билан таништириш имконини бериши, бу имплементация қилинаётган коррупцияга қарши кураш чораларининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши, барча давлат органларида «ишонч телефонлари»ни жорий этиш ва расмий веб-сайтларни такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш кераклиги, аҳолининг хабардорлиги даражасини ошириш ва унинг ҳуқуқий онгини юксалтириш чораларини кўришда кенг кўламли чора-тадбирлар аҳоли, жамоат ташкилотлари ва ОАВ ўртасида уларнинг коррупцияга қарши кураш соҳасида хабардорлиги даражасини ошириш ва уларга ахборот бериш учун тадбирлар ўтказишга қаратилганлиги, давлат органларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини жорий этиш ва уларни доимий асосда амалга ошириш, бу тадбир қуйидагиларни:

- коррупциянинг олдини олиш масалаларини ечишга қаратилган, коррупцияга қарши кураш бўйича идоравий комиссиялар тузишни назарда тутадиган идоравий буйруқлар чиқаришни;

- идоравий комиссия тегишли соҳада мавжуд коррупция муаммоларини чуқур таҳлили қилиши, унинг сабабларини ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлашини таъминлашини;

- ҳар йили коррупцияга қарши кураш бўйича идоравий режаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни;

- тегишли намунавий буйруқлар, режалар, низомларни тайёрлаш ва тасдиқлашни ўз ичига олиши керак.

Бу чора-тадбирлар коррупция муаммоларини чуқур таҳлил қилиш асосида ўз хусусиятини ҳисобга олган ҳолда коррупциянинг олдини олиш, унинг даражасини пасайтириш, коррупция сабабларини ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш учун зарур энг муҳим чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш имконини беришини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, у давлат бошқаруви органлари томонидан ишга қабул қилиш учун номзодларни танлов асосида саралаш, кадрларни жой-жойига қўйиш ва бошқа лавозимларга тайинлашнинг очиклиги ва ошкорлагини назарда тутадиган идоравий низомлар қабул қилишни билдириб, мазкур тадбирни амалга ошириш доирасида қуйидагилар режалаштирилган бўлиши кераклигини айтди:

- бўш иш ўринлари ва барча зарурий малакавий талаблар ҳақида ахборотни ОАВ ва расмий веб-сайтларда эълон қилиш йўли билан очиклик ва ошкораликни кучайтириш;

- номзодларни танлов асосида саралаш тартибини жорий этиш;

- номзодларни танлаб олиш бўйича танлов комиссияларининг очик мажлисларини

Ўтказиш;

- таниш-билишчилик, уруғ-аймоқчилик сингари ва бошқа коррупция иллатларига йўл қўймаслик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Бу чора-тадбирлар давлат бошқаруви органлари кадрлар билан ишлаш сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш имконини беради, номзодларни танлаб олиш ва лавозимга тайинлашда коррупция билан боғлиқ хавфларни бартараф этишини, давлат органлари томонидан ходимлар касб одоби нормаларини қабул қилиш ва амалга жорий этишни, унинг қабул қилиниши давлат органлари ходимлари учун юксак андозаларни, ходимларнинг шахсий фазилавлари ва хулқ-атвориغا қўйиладиган талабларни белгилаш имконини беришини айтиб ўтди.

Иштирокчилар томонидан берилган бир қатор саволларга нотик томонидан қониқарли жавоблар берилди.

Йиғилиш кун тартибидagi масалани атрофлича муҳокама қилиб ва иштирокчиларнинг фикрларини эшитиб, қарор қилади:

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва унинг тизимида коррупцияга қарши амалий ҳаракатларни олиб бориш бўйича таркибий комиссиянинг тузилганлиги, “Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг коррупцияга қарши амалий ҳаракатлари дастури”нинг ижрога олинганлиги, “Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги давлат хизматчиларининг этика ва хизмат ахлоқи қоидалари” қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъул ходими, олий ўқув курслари катта ўқитувчиси М.Х. Хақимовнинг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги маърузаси иш жараёнида фойдаланиш учун тавсия этилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Агентлик ва унинг тизимида коррупцияга қарши амалий ҳаракатларни олиб бориш бўйича таркибий комиссия “Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг коррупцияга қарши амалий ҳаракатлари дастури” асосида ишларни олиб боришни давом эттиради.

4. Тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг директорларига, бир ҳафта муддатда: коррупцияга қарши амалий ҳаракатларни олиб бориш бўйича таркибий комиссия тузиш;

коррупцияга қарши амалий ҳаракатлар дастурини қабул қилиш ва ижрога қаратиш; ходимларнинг этика ва хизмат ахлоқи қоидаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; амалга оширилган ишлар тўғрисида Агентликка маълумот киритиш топширилсин.